

«МАТЬ КУЛЛА НГАН»

«Ўзэкспомарказ» МҚҚ АЖ

Кузатув кенгашининг

2023 йил 24 ноябрдаги 3/2023-сонли
йигилиши баёни билан

Кузатув кенгаси аъзоси



Мурадов Улугбек Хашимжанович

«ТАСДИКЛАНГАН»

«Ўзэкспомарказ» МҚҚ АЖ

акциядорларининг

20__ йил «__» __ даги
умумий йигилиши томонидан

«Ўзэкспомарказ» МҚҚ АЖНИНГ

2024 йил учун

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор (иштирокчи,
таъсисчи) функциясини бажарувчи
ташкилот номи

“InterForum” ДУК

Идоравий мансублиги

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

uzexpocentre@exat.uz

СТИР

201121745

Ижроия органи раҳбари

Сайдхонов Отабек Муродбекович

Молия ва корпоратив бошқарув
бўйича директор

Мутолибхонов Сайдахёрхон Сайдолимхон ўғли

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)
- 1.2 Корхона ташкил этилиши тарихи
- 1.3 Корхона фаолияти
- 1.4 Кўргазма фаолияти учун инфраструктура
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси ҳақида маълумот

II. Корхонани ислоҳ қилишиш

- 2.1 Истиқболли ривожланиши стратегияси
- 2.2 Ислоҳ қилишининг 2024 йил учун режаси

III. Бозор ва маркетинг режаси

- 3.1 Бозор таҳлили
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби
- 3.3 Рақобат
- 3.4 Маркетинг режаси

IV. SWOT-Таҳлил

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

- 5.1 Электр энергиясига бўлган талаб режаси
- 5.2 Сув ва оқова тизимига бўлган талаб режаси
- 5.3 Иссиклик энергиясига бўлган талаб режаси

VI. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар

- 6.1 "Ўзэкспомарказ" МКК АЖнинг 2024 йилда моддий-техника ресурсларига таркибий бўлимлар томонидан бўлган эҳтиёж режаси
- 6.2 "Ўзэкспомарказ" МКК АЖнинг 2024 йилга мўлжалланган кўргазмалар режаси
- 6.3 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)
- 6.4 "Ўзэкспомарказ" МКК АЖнинг 2024 йилдаги даромадлар шаклланишининг асосий манбайи (тушумлар прогнози – кўргазма ва СКМдан)
- 6.5 "Ўзэкспомарказ" МКК АЖнинг 2024 йил учун режалаштирилган ишлаб чиқарии харажатлари
- 6.6 "Ўзэкспомарказ" МКК АЖнинг 2024 йилга мўлжалланган молиявий режаси
- 6.7 "Ўзэкспомарказ" МКК АЖнинг 2024 йилга мўлжалланган солиқ тўловлари режаси
- 6.8 Соф фойдани тақсимлаши
- 6.9 Кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар
- 6.10 "Ўзэкспомарказ" МКК АЖнинг 2024 йилга мўлжалланган Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)
- 6.11 "Ўзэкспомарказ" МКК АЖнинг 2024 йил учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)

VII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

VIII. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Корхона реквизитлари:

Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи

Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

“Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма компанияси” акциядорлик жамияти

Жамиятнинг қисқартирилган расмий номи:

“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ

Ташкилий-хукуқий шакли – Акциядорлик жамияти.

Фаолият тури - Жамиятнинг асосий фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида халқаро, мавзули ва ихтисослаштирилган кўргазмалар, ярмаркалар, тақдимотлар ва бошқа шу турдаги тадбирларни ўтказиш ҳамда аҳолига барча турдаги соғломлаштириш ва маданий хордик чиқариш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш ҳисобланади.

Тармоқ – инвестициялар ва ташки савдо.

Юридик манзили - Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107 уй.

Устав капитали - 9 483 153 120 (тўқиз миллиард тўрт юз саксон уч миллион бир юз эллик уч минг бир юз йигирма) сўм.

Чиқарилган акциялари - 3 633 392 (уч миллион олти юз ўттиз уч минг уч юз тўқсон икки) дона.

СТИР - 201121745

Ҳисоб раками ва хизмат кўрсатувчи банки – x/p 2021000900126023001 “Ипотека банк” АТИБ Юнусодоб филиали.

Корхона тўғрисида маълумот, корхона паспорти

Корхонанинг паспорти:

умумий ер майдони - 44,36 га.;

штат бирликлар сони - 290;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар тури) - Жамиятнинг асосий фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида халқаро, мавзули ва ихтисослаштирилган кўргазмалар, ярмаркалар, тақдимотлар ва бошқа шу турдаги тадбирларни ўтказиш ҳамда аҳолига барча турдаги соғломлаштириш ва маданий хордик чиқариш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш ҳисобланади;

экспорт қилинадиган маҳсулотлар ва давлатлар – Хизматлар кўрсатиш (БАА, Туркия, Россия, Хитой, Қозоқистон, Германия)

“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ Акциядорлари

№	Акциядор номи	Акциялар сони	Устав фондидан %	Сумма
1	“InterForum” ДУК	3 336 724	91,83	8 708 849 640 сўм
2	“Uzprommashimpeks” АЖ	97 292	2,68	253 932 120 сўм
3	“O’zmarkazimpeks” АЖ	97 292	2,68	253 932 120 сўм
4	“O’zinterimpeks” ТСК АЖ	97 292	2,68	253 932 120 сўм
5	Жисмоний шахслар – 195 киши	4 792	0,13	12 507 120 сўм
ЖАМИ:		3 633 392	100,00	9 483 153 120 сўм

1.2.Ташкил этилиш тарихи

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 16 сентябрдаги “Халқаро савдо обьектлари Республика комплексини ташкил этиш түғрисида”ти 433-сонли қарорига мувофиқ, XXЮК (ВДНХ) худудида “Ўзэкспомарказ” савдо-кўргазма маркази ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 07 июндаги ПҚ 4355-сонли “Конгресс-кўргазма тадбирларини давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражаларда ташкил этиш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида” Қарорига мувофиқ, “Ўзэкспомарказ” МКК АЖ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ҳузуридаги “Интерфорум” ДУК таркиби киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 01 ноябрь кунидаги ПФ-239-сон Фармонига мувофиқ, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ҳузуридаги “Интерфорум” ДУК Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркиби киритилди.

1.3. Корхона фаолияти

Уставга мувофиқ, “Ўзэкспомарказ” МКК АЖнинг асосий фаолияти - республиканинг иқтисодий, сайёхлик ва маданий салоҳиятига оид ҳалқаро, тематик ва ихтисослаштирилган кўргазмалар, ярмаркалар, презентациялар, конференциялар, тренинглар, семинарлар ва шунга ўхшаш тадбирларни мамлакатимизда ва чет элда ташкил этиш ва ўтказиш ҳисобланади.

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан етакчи хорижий фирма ва компаниялар ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларига хорижий сармояларни жалб қилиш, шунингдек, маҳаллий товарларни ташки бозорларга тарғиб қилиш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўргазма тадбирлари орқали ёрдам бериш, шунингдек, хорижлик инвесторларни республика ишлаб чиқарувчиларининг салоҳияти билан танишириш “Ўзэкспомарказ” МКК АЖнинг асосий мақсади ҳисобланади.

“Ўзэкспомарказ” МКК АЖ чет элдаги кўргазма ва ярмаркаларда миллий ва саноат стендларининг асосий ташкилотчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон кўргазмаларида иштирокини ташкил этади ва таъминлайди.

Аҳолига барча турдаги маданий-кўнгилочар хизматларни қўрсатиш, жумладан, аҳолига соғломлаштириш-кўнгилочар мажмуасида хизмат қўрсатиш (Аква парк, Болалар боғи ва Япон боғи).

1.4.Кўргазма фаолияти учун инфраструктура

“Ўзэкспомарказ” МКК акциядорлик жамияти ўз таркибида 5 (беш) дона кўргазма павильони, 2 та атриум заллари, конференциялар-зали ва кинолектория залларига эга. Мамлакатимизда ва хорижда кўргазма хизматларининг барча турларини (лойиҳалаш, монтаж ва демонтаж қилиш ҳамда безаш ишлари) ташкил этади.

Фақат “Ўзэкспомарказ” МКК АЖ кўргазма майдонларида бир вақтнинг ўзида 600 дан ортиқ иштирокчилар учун 8,5 минг квадрат метр кўргазма стендларини жойлаштириш мумкин.

Миллий кўргазма компанияси нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда энг ассосий ва йирик кўргазма майдонларидан бири хисобланиб, кўп йиллик тажрибага эга

Қолаверса, кўргазмалар тобора оммалашиб бораётгани тадбирларнинг йилдан -йилга кенгайиб бораётганидан далолат беради. Кўргазма компанияси ўз даромадининг 80% ини 2 000 кв.м. ва ундан юқори бўлган тадбирлардан олади. 2023 йилда бир нечта тадбирларда бир вақтнинг ўзида 7 000 квадрат метрдан ортиқ стендларни жойлаштириш имкони бўлди.

T/p	Номланиши	Умумий майдони (кв.м)
1	Павильон №1	2590 (нетто 1400)
2	Павильон №2	3000 (нетто 1500)
3	Павильон №3	2484 (нетто 1300)
4	Павильон №4	2530 (нетто 1300)
5	Павильон №5	800 (нетто 400)
5	Атриум №1	950 (нетто 480)
6	Атриум №2	1140 (нетто 550)
7	Конференциялар зали	900 (нетто 450)
Жами		14 394 (нетто 7380)

“Ўзэкспомарказ” МКК АЖ павильонларида ҳар йили 50 дан ортиқ кўргазмалар ўтказилиди, уларнинг аксариятида дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларидан 1000 дан ортиқ хорижий компаниялар иштирок этмоқда.

Халқаро даражадаги кўргазмаларни ташкил этишда ITECA Exhibitions, ICA Eurasia FZ LLC (БАА), IEG, IFWExpo (Германия), Expo Position ва Inter Says Events каби кўргазма компаниялари доимий хамкорларимиз ҳисобланади.

“Ўзэкспомарказ” МКК АЖда давлат тадбирлари, хориж давлатлариниг олий даражадаги меҳмонлари ташриф тадбирлари ҳам ташкил этилиб, бу жиҳатдан, жамиятимиз етарли тажриба ва қўникмага эга ташкилот ҳисобланади.

Шунингдек, “Ўзэкспомарказ” МКК акциядорлик жамияти таркибида::

- Аквапарк - 6,60 га майдон.
- Япон боги - 3,61 га майдон.
- Болалар боғи - 6,05 га майдон.
- ITC (Халқаро ҳамкорлик маркази) биноси - 0,18 га (1776 кв.м) майдон,
- Кўргазма павильонлари, парк зонаси ва бошқа инфраструктуралар майдонлари мавжуд.

1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот

“Ўээкспомарказ” МҚК”АЖдаги жами штат бирликлари;

Штат жадвали – 295 бирлик;

Амалда ходимлар сони – 268 бирлик;

уларнинг малакаси тўғрисида маълумотлар;

Олий маълумотли-57;

Ўрта-маҳсус маълумотли -106;

Умумий ўрта-105.

ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи-хизматчилар-213, бошқарувдаги ходимлар-47, техник ходимлар сони-8;

Ходимларни ишга қабул қилиш тартиби;

Дастлаб биржага ва uzexhrocentre.uz сайтида вакансия эълон берилади;

Суҳбат;

Номзодлар - уларнинг иш тажрибаси, касбий тайёргарлиги ва мавжуд бўш иш ўринларига қўйилган малакавий ва касбий талабларга мувофиқлиги, шунингдек, салоҳият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танланади;

Номзодларнинг барча хужжатлари Ходимлар билан ишлаш хизмати томонидан кўриб чиқилади;

Номзод томонидан сўровнома тўлдирилади ва ариза ёзилади;

Ишга қабул қилиш буйруқ билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Буйруқ меҳнат шартномасининг мазмунига тўлиқ мос келиши ва ходимга таништирилиши таъминланади.

Ҳар бир ходим ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари билан олдиндан таништирилади.

Агар меҳнат шартномасида ишнинг бошланиш куни ҳакида шартлашилмаган бўлса, ходим шартнома имзоланган куннинг эртасидан ишга тушади.

2024 йилда ходимлар малакасини ошириш мақсадида, кўргазмалар ва кўргазма хизмати ҳамда маркетинг бўлимидан 4 нафар мутахассисни инглиз ва рус тили курсларида, Молия ва иқтисод йўналиши бўйича мутахассисларни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари бўйича курсларга, шунингдек, йил давомида бўлим бошлиқлари ва котибият ходимларининг ўзбек тилида иш юритиш даражасини ошириш учун ўзбек тили курсларида ўқитиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Жамоа шартномаси ва ички Низомларга мувофиқ, ойликка қўшимча шахсий устамалар, мукофот пуллари, байрам пуллари, овқат пули учун компенсация, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун моддий ёрдам ҳамда бошқа турдаги (юбилей, никоҳ, ўлим ва бошқалар) ижтимоий ёрдам пакетлари кўрсатилади.

Кузатув Кенгаши аъзолари:

Т/р	Ф.И.Ш.	Эгаллаб турган лавозими
1	Воитов Азиз Ботирович	-
2	Рахимов Баҳтиёр Абдуғани ўғли	-
3	Мурадов Улугбек Хашимджанович	Экспортни рағбатлантириш агентлиги директори
4	Аббасова Шафоат Ақбаровна	Халқаро ҳамкорлик маркази» АЖ Бошқарув раиси
5	Абдуллоев Алижон Қаҳрамонович	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Агросаноат комплекси ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи
6	Қурбонов Шахзоджон Қурбон ўғли	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Экспорт салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
7	Қурбонов Ферузбек Валижонович	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Халқаро хуқуқий таъминлаш бўлими бошлиғи

Ижро органи аъзолари:

Т/р	Ф.И.Ш.	Эгаллаб турган лавозими
1	Сайдхонов Отабек Муродбекович	“Ўзэкспомарказ” МҚҚ” АЖ Бошқарув раиси
2	Кудратов Санжар Ропижонович	“Ўзэкспомарказ” МҚҚ” АЖ Кўргазма мажмуаси директори
3	Мутолибхонов Саидахёрхон Сайдолимхон ўғли	“Ўзэкспомарказ” МҚҚ” АЖ Молия ва корпоратив бошқарув бўйича директор Молия – иқтисод бўлими бошлиғи
4	Амирова Эльвира Маратовна	“Ўзэкспомарказ” МҚҚ” АЖ Бош бухгалтери
5	Шерходжаев Авзалбек Абдувасигович	“Ўзэкспомарказ” МҚҚ” АЖ Маъмурий-хўжалик ишлари ва Соғломлаштириш-кўнгилочар мажмуасини ривожлантириш бўйича директор

Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси маълумот

Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаришни Жамиятнинг ижроия органи – Жамият ишини ташкил қилувчи Бошқарув амалга оширади.

Жамият бошқарув раиси акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан бир йилга сайланади (тайинланади).

Жамият қўйидаги бўлим ва хизматлардан иборат;

Бошқарув раиси бўйсунувида: Бошқарув раисининг ёрдамчиси, Юридик бўлим, Ходимлар билан ишлаш хизмати, Қўриқлаш бўлими, Котибият, Комплаенс-инспектор хизмати, Моддий-техника таъминоти хизмати.

Молия ва корпоратив бошқарув бўйича директор бўйсунувида: Молия – иқтисод бўлими, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бўлими, Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис.

Кўргазма мажмуаси директори бўйсунувида: Кўргазмалар ва кўргазма хизмати бўлими, Маркетинг бўлими.

Техник директор бўйсунувида: Техник директор ўринбосари, Бош энергетик бўлими, Бош механик бўлими, Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, Фуқаро муҳофазаси ва ёнғинга қарши ҳимоя бўйича муҳандис.

Маъмурий-хўжалик ишлари ва Соғломлаштириш-қўнгилочар мажмуасини ривожлантириш бўйича директор: Таъмирлаш-хўжалик бўлими, Транспорт бўлими, Япон боғи, Аква боғи, Болалар боғи.

Ишлар бошқарувчиси бўйсунувида:


Жамиятнинг жами асосий штат бирлиги 290 кишидан иборат, шундан:

- бошқарув ходимлари 56 киши бўлиб, шундан, 23 бирлик - раҳбар, 33 бирлик - бошқарув мутахассислари ташкил этади.
- техник ходимлар 8 бирлик.
- ишлаб чиқариш ходимлари 145 бирлик бўлиб, шундан, 13 бирлик – мутахассислар, 132 бирлик – ишчилар ташкил этади.
- хизмат кўрсатувчи ходимлар 86 бирликни ташкил этади.

Шунингдек, жамиятда Соғломлаштириш-қўнгилочар мажмуаси фаолияти мавсумий бўлганлиги сабабли, мавсумий штат мавжуд. Уларнинг умумий сони 127 бирликни ташкил этади.

Корхона тизимига кирувчи ташкилотлар мавжуд эмас.

“Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма компанияси” акциядорлик жамияти ташкилий тузилмаси



“Ўзэкспомарказ” МҚК” АЖ ходимларининг чекланган сони – 295 бирлик.
 Бошқарув раиси штат жадвали доирасида ходимлар сонига ўзгартириш киритиш ҳукукига
 эга.

II. Корхонани ислоҳ қилиш стратегияси

2.1. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖни истиқболли ривожлантириш стратегияси

Келгуси йилларда, “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖни барқарор фаолият юритиши учун савдо ҳажмини ошириш ва тақдим этилаётган хизматларни халқаро даражага олиб чиқиши орқали, молиявий ҳолатни яхшилаш мақсадида, республиканинг стратегик ҳаракатлари ва давлат дастурлари асосида, компания олдида турган аниқ муаммоларни ҳал қилишни хисобга олган ҳолда, “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖни ривожлантиришнинг тезкор ва истиқболли режалари ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Истиқболли лойиҳалар йўналишини шакллантириш, “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ мажмуасида ишлаш учун стратегик шериклар доирасини кенгайтириш, кўргазма хизмати интеллектуни ошириш, халқаро даражадаги кўргазма хизматлари учун янги бозорни яратиш, “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ томонидан ҳамда бошқа ҳамкор-шериклар томонидан ташкил этиладиган кўргазма тадбирлари сонини кўпайтириш.

2. Кўрсатилаётган хизматлар даражасини ошириш ва кўргазма-ярмарка тадбирларини юқори халқаро даражада ўтказиш мақсадида кўргазма павильонларини капитал таъмирлаш.

3. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ худудида ўтказиладиган тадбирларга юқори даражада хизмат кўрсатиш учун ихтисослаштирилган мебеллар, ЛЕД мониторлар, шунингдек халқаро стандартларга жавоб берадиганофис ускуналарини сотиб олиш учун молиявий маблағларни йўналтириш.

4. Шунингдек, яна қуидагилар режалаштирилган:

- 5000 кв.м. ёпиқ майдонга эга бўлган, янги, замонавий кўргазма павильони қуриш (хисоб-китобларга асосан) – 3 000 000,0 АҚШ доллари;
- юқори технологик Октанорм R8 (панель, стойкалар, прогонлар, ёритиш ускуналари ва бошқалар) кўргазма жиҳозларини 325 000,0 АҚШ долларига сотиб олиш;

“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ худудида ва кўргазма мажмуаси ташқарисида ўтказиладиган кўргазмаларда йиғиш ва демонтаж қилиш пайтида кўргазма жиҳозларини ишлатилиши уларнинг секин-аста эскиришга олиб келади.

Кейинги йилларда, барча кўргазма майдонларидан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш режалаштирилган бўлиб, шу муносабат билан, қўшимча кўргазма жиҳозларини сотиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Кўргазма жиҳозларининг етишмаслиги, кўргазма иштирокчиларининг бошқа қурилиш компанияларига мурожаат қилишга сабаб бўлмоқда, бу эса компания маълум миқдордаги маблағларни қўлдан беришига олиб келмоқда.

Акциядорлик жамиятининг сифатли ва самарали фаолиятини таъминлаш, бир вақтнинг ўзида 7500 кв.м.гача кўргазма стендлари қуриш учун юқори технологик кўргазма жиҳозлари ва материалларини сотиб олиш керак. Кўргазма тадбирларини ташкил этиш, ташки бозорда экспорт маҳсулотларининг улушкини оширишда муҳим аҳамият касб этади;

5. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ электр қурилмаларни (ячейкалар, трансформатор подстанциялари) тўлиқ алмаштириш(ускуналар 1982 йилдан бери ишлатилмоқда). Йилдан-йилга кўргазма иштирокчиларининг сонини ошиши ҳамда кўргазма экспонатларининг, ускуналарининг такомиллашуви, электрэнергиясига бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Бу “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖнинг амалдаги қуввати етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

6. Болалар боғидаги Чархпалак атракционини ва Аква паркдаги Камикадзе сув атракционини тўлиқ қайта таъмирлаш ва алмаштириш талаб этилмоқда

2.2.Ислоҳ қилишнинг 2024 йил учун режаси

Корхонани ислоҳ қилиш мақсадида 2-павильон том қисми ва кўргазма павильонларидаги совутгичлар тўлиқ қайта таъмирланди, шунингдек, эскирган авто паркни янгилаш мақсадида юқ ташиш учун мўлжалланган "ISUZU" NPR 82 L (CNG) COMFORT автотранспорти ва Дамас автомашинаси сотиб олинди. 2023 йилда “Япон боғи”и тўлиқ қайта таъмирланди. Бунда, кириш гурухлари тартибга солинди, янги ёритиш ва йўлак плиталари ўрнатилди, ҳудудни ободонлаштирилди, янги турдаги дараҳтлар экилди. Натижада, боғда янги дам олиш масканлари ва тадбирлар ўтказиладиган жойлар пайдо бўлди. 3-сон Павильон (480кв.м.) ва 4-сон Павильон (360 кв.м.) олд қисмида рўйхатдан ўтиш худуди (Registration zone) ва 2-сон павильон (255 кв.м.) ён қисмида омборхона ва ташриф буюрувчилар учун хожатхона ташкил этилди.

Хозирда жамиятимиз томонидан 2024 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, асосий мақсад юқорида таъкидланганидек, кўргазма павильони ва автотурагроҳ қуриш бўйича ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ҳамда тасдиқланган дизайн бўйича қуриш ишларини бошлаш кўзда тутилган.

Юқоридагиларнинг амалга оширилиши “Ўзэкспомарказ” МҚК АЖга ташриф буюрувчи кўргазма иштирокчиларининг сонини ортиши, кўргазма тадбирларининг кўпайишига ҳамда соғломлаштириш-қўнгилочар мажмуасига келувчи мижозларнинг сонини ортиши оқибатида тушумларнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1.Бозор таҳлили

Бугунги кунда кўргазма фаолияти дунёдаги макроиктисодиёт ва инвестиция сиёсатида энг самарали восита. Кўргазма хизматлари бозорининг ривожланиши пандемия даврида кескин тушиб кетди, лекин шунга қарамай кўргазма фаолиятининг асосий кўрсаткичлари аста-секин нормал ҳолатга қайтмоқда. Кўргазма тадбирлари иқтисодиётнинг қўплаб соҳалар ривожига хизмат қилиш билан биргаликда, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаштиради. Ўзэкспомарказ фаолияти биринчи навбатда мустақил Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан савдо-иктисодий алоқаларини ривожлантириш ва чукурлаштириш, экспорт салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган.

“Ўзэкспомарказ”МКК” худудида 2020-2023 йиллардаги ташкилиширилган кўргазмалар жадвали.

Т/р 1	Кўргазма тадбирнинг ташкилотчиси	2020 йил		2021 йил		2022 йил		2023й (10 ой холати)		2024й режалаштирилган
		режада	амалда	режада	амалда	режада	амалда	режада	амалда	
1	“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ, Вазирликлар ва бошқа тегишли компаниялар, билан биргаликда	5	2	2	2	9	9	8	3	7
2	“Ўзэкспомарказ”МКК” АЖнинг хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалари	5	0	3	2	7	7	26	18	5
3	ITECA Exhibitions & Conferences (Буюк Британия)). Ўзбекистондаги вакили - ITECA Uzbekistan	14	3	17	6	22	22	19	18	18
4	International Exhibition Group (АҚШ). Ўзбекистондаги вакили IEG Uzbekistan	6	0	11	8	11	11	11	8	11
5	Бошқа компаниялар	4	1	2	0	5	5	2	2	2
Жами		34 /6		35/18		54/54		65	49	41

3.2. Махсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

Ўзэкспомарказ мажмуасида ҳар йили 60 дан ортиқ ҳалқаро кўргазма ва Конгресс тадбирлари ўтказилиб, улар иқтисодиётнинг деярли барча стратегик йўналишларини, жумладан, қурилиш, озиқ-овқат саноати, соғлиқни сақлаш, нефт-газ, транспорт, тўқимачилик, энергетика, кимё, машинасозлик ва бошқа соҳалардаги ишлаб чиқариш корхоналари қамраб олади. Ўзэкспомарказ худудида, ҳар йили географияси деярли барча қитъаларни қамраб олган мамлакатларнинг 3000 дан ортиқ турли соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналари, кўргазма тадбирларида иштирок этади

3.3. Рақобат

Сўнгги йилларда шаклланган кўплаб кўргазма компаниялари томонидан рақобат кескин ошган, кўргазмаларнинг муваффақияти биринчи навбатда кўргазманинг

инфратузилмасига бевосита боғлиқдир, хамда кўрсатилаётган кўргазма хизматларининг микдори ва сифати, кўргазма майдонларининг жаҳон стандартларига мувофиқлигига боғлиқ.

Кўргазма майдонлари буйича "Ўзэкспомарказ" МКМ АЖга рақобатдош компаниялар булар

"Самарқанд кўргазма маркази" "Локомотив" ва "САЕХ" кўргазма компанияси кабилар.

Шунга қарамай, "Ўзэкспомарказ" АҚ ҳар йили ўтказиладиган кўргазмалар сони, мавзуларининг хилма-хиллиги каби кўрсаткичлар бўйича Тошкент шаҳрида ўтказиладиган халқаро ва миллий кўргазмалар ташкилотчилари орасида етакчилик қилиб, мамлакатимиздаги енг муҳим кўргазма фаолияти марказларидан бири бўлиб қолмоқда. , иштирокчилар сони ва ташриф буюрувчилар сони. Бу эса шаҳарнинг йирик халқаро кўргазмалар ва савдо ярмаркалари маркази сифатидаги аҳамиятини оширади.

Халқаро кўргазмаларни ташкил этишда "Ўзэкспомарказ" МКК АЖ билан ракобатчи компаниялари қўйидагилар:

- ITECA Exhibitions & Conferences (Буюк Британия)). Ўзбекистондаги вакили –“ITECA Exhibitions”
- International Exhibition Group (АҚШ). Ўзбекистондаги вакили IEG Uzbekistan
- EXPO POSITION
- CONGRESSES OF CENTRAL ASIA – CCA
- Inter Says Events

3.4. Маркетинг режаси

1 Жамият фаолиятининг устувор йўналишларидан бири "Ўзэкспомарказ" МКК" АЖ майдонларида кўргазма тадбирлар сонини кўпайтириш, шунингдек, кўргазма майдонлари ҳажмини кенгайтириш.

2) Кўргазма иштирокчиларига халқаро стандартларга мувофиқ хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш хамда амалдаги хизматларни ривожлантириш (банк, тиббиёт маркази, маъмурий, ахборот ва реклама, техник.) шу жумладан, қуйидаги хизмат турларини такомиллаштириш:

- 2.1 виза очишда (кириш/чиқиш визаларни) амалий ёрдам бериш
 - 2.2 аэропорт ва вокзалда кутиб олиш ва кузатиш хизматларини ташкил этиш
 - 2.3 экспонентларга автотранспорт воситаларини ижарага бериш
 - 2.4 таржима хизматлари
 - 2.5 кўргазма товарларни экспедиторлик қилиш, шу жумладан, товарларни божхонада расмийлаштиришга кўмаклашиш
- 3) Кўшимча кўргазма ускуналарини сотиб олиш.
- 4) "Ўзэкспомарказ" МКК" АЖ майдонларида хорижий ташкилотчилар томонидан ўтказиладиган халқаро кўргазма-тадбирларга жалб этиш ва сонини кўпайтириш.

IV. SWOT-ТАХЛИЛ

	Кучли омили (имкониятлар)	Заиф омили (хатарлар)
	Кучли томони (Strengths)	Заиф томони (Weaknesses)
Ички мухит	<ul style="list-style-type: none"> - Халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий кўргазма майдонлари; - Компаниянинг юқори интеллектуал ва ишлаб чиқариш ходимлари; - Экспонатлар ва оғир юқ машиналарини учун қулай кириш жойлари; - Юқлаш ва тушириш техника ва ускуналарининг мавжудлиги; - Замонавий кўргазма ускуналари; - Қулай географик жойлашув; - Асосий шаҳар транспорт йўналишларининг яқинлиги; 	<ul style="list-style-type: none"> - Янги қўшимча кўргазма ускуналарини сотиб олиш; - Пандемия шароитида оғир молиявий аҳвол; - Соғломлаштириш-кўнгилочар мажмуасидаги Атракционларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қўйгани.
Ташки мухит	Бозор имкониятлари(Opportunities) <ul style="list-style-type: none"> - Кўргазма тадбирларининг кўпайиши; - Кўргазмаларда экспонатлар сонининг кўпайиши; - Кўрсатиладиган хизмат турларининг кўпайиши; - Жамиятимиз томонидан ташкил этиладиган кўргазмалар сонини кўпайиши. 	Бозор таҳдидлари (Threats) <ul style="list-style-type: none"> - Бозорда рақобатчиларнинг мавжудлиги; - Арzonроқ кўргазма майдонларининг мавжудлиги; - Маҳаллий корхона ва ташкилотларнинг тўлов қобилиятининг пастлиги.

V. ЭНЕРГОРЕСУРСЛАР ТАЪМИНОТИ ВА УЛАРНИНГ САРФИ
5.1.2024 йилда электр энергиясига бўлган талаб режаси

Номланиши	Жами миқдори (кВтс)	шу жумладан, таннархга				шу жумладан, давр харажатла ри	нархи, ҚҚС сиз 1 кВтс	Жами (минг сўм)	шу жумладан, таннархга				шу жумладан, давр харажатла ри
		Кўргазма мажмуаси	Япон боги	Аква боги	Болалар боги				Кўргазма мажмуаси	Япон боги	Аква боги	Болалар боги	
январь	205 000	188 000	5 000	1 000	1 000	10 000	1 000	205 000	188 000	5 000	1 000	1 000	10 000
февраль	205 000	189 000	4 000	1 000	1 000	10 000	1 000	205 000	189 000	4 000	1 000	1 000	10 000
март	205 000	185 000	4 000	3 000	3 000	10 000	1 000	205 000	185 000	4 000	3 000	3 000	10 000
1 чорак	615 000	562 000	13 000	5 000	5 000	30 000		615 000	562 000	13 000	5 000	5 000	30 000
апрель	205 000	180 000	4 000	3 000	3 000	15 000	1 000	205 000	180 000	4 000	3 000	3 000	15 000
май	205 000	180 000	4 000	3 000	3 000	15 000	1 000	205 000	180 000	4 000	3 000	3 000	15 000
июнь	285 000	192 000	8 000	55 000	15 000	15 000	1 000	285 000	192 000	8 000	55 000	15 000	15 000
2 чорак	695 000	552 000	16 000	61 000	21 000	45 000		695 000	552 000	16 000	61 000	21 000	45 000
июль	340 000	180 000	10 000	75 000	60 000	15 000	1 000	340 000	180 000	10 000	75 000	60 000	15 000
август	360 000	180 000	10 000	95 000	60 000	15 000	1 000	360 000	180 000	10 000	95 000	60 000	15 000
сентябрь	320 000	265 000	10 000	10 000	20 000	15 000	1 000	320 000	265 000	10 000	10 000	20 000	15 000
3 чорак	1 020 000	625 000	30 000	180 000	140 000	45 000		1 020 000	625 000	30 000	180 000	140 000	45 000
октябрь	300 000	280 000	8 000	1 000	1 000	10 000	1 000	300 000	280 000	8 000	1 000	1 000	10 000
ноябрь	245 000	225 000	8 000	1 000	1 000	10 000	1 000	245 000	225 000	8 000	1 000	1 000	10 000
декабрь	205 000	185 000	8 000	1 000	1 000	10 000	1 000	205 000	185 000	8 000	1 000	1 000	10 000
4 чорак	750 000	690 000	24 000	3 000	3 000	30 000		750 000	690 000	24 000	3 000	3 000	30 000
ЖАМИ ЙИЛ:	3 080 000	2 429 000	83 000	249 000	169 000	150 000		3 080 000	2 429 000	83 000	249 000	169 000	150 000

5.2. 2024 йилда сув ва оқова тизимиға бўлган талаб режаси

Номланиши	Жами микдор (м.куб.)	шу жумладан, таннархга				давр харажатлари	Нархи ҚҚСиз	Жами сумма (минг сўм)	шу жумладан, таннархга				давр харажатлари
		Кўргазма мажмуаси	Япон боги	Аква боги	Болалар боги				Кўргазма мажмуаси	Япон боги	Аква боги	Болалар боги	
СУВ ВА ОҚОВА													
январь	31 060	29 847	121	21	21	1 050	2 020	31 365	30 145	122	21	21	1 056
февраль	28 050	26 817	141	21	21	1 050	2 020	28 325	27 085	142	21	21	1 056
март	31 060	28 413	265	1 250	82	1 050	2 020	31 365	28 701	267	1 258	83	1 056
1 чорак	90 170	85 077	527	1 292	124	3 150		91 055	85 931	531	1 300	125	3 168
апрель	30 060	27 390	245	1 250	125	1 050	2 020	30 355	27 668	247	1 258	126	1 056
май	31 060	18 935	265	10 500	310	1 050	2 020	31 365	19 170	267	10 560	312	1 056
июнь	30 060	15 920	265	12 500	325	1 050	2 020	30 355	16 124	267	12 580	328	1 056
2 чорак	91 180	62 245	775	24 250	760	3 150		92 075	62 962	781	24 398	766	3 168
июль	31 060	17 315	265	12 100	330	1 050	2 020	31 365	17 498	267	12 212	332	1 056
август	31 060	17 320	265	12 100	325	1 050	2 020	31 365	17 502	267	12 212	328	1 056
сентябрь	30 060	20 420	245	8 040	305	1 050	2 222	33 391	22 690	272	8 928	339	1 162
3 чорак	92 180	55 055	775	32 240	960	3 150		96 121	57 690	806	33 352	999	3 274
октябрь	29 910	28 553	265	21	21	1 050	2 222	33 110	31 608	294	23	23	1 162
ноябрь	30 060	28 703	265	21	21	1 050	2 222	33 391	31 889	294	23	23	1 162
декабрь	31 060	29 703	265	21	21	1 050	2 222	34 502	33 000	294	23	23	1 162
4 чорак	91 030	86 959	795	63	63	3 150		101 003	96 497	882	69	69	3 486
ЖАМИ ЙИЛ	364 560	289 336	2 872	57 845	1 907	12 600		380 254	303 080	3 000	59 119	1 959	13 096
СУВ													
январь	15 500	14 920	60	10	10	500	1 100	17 050	16 412	66	11	11	550
февраль	14 000	13 410	70	10	10	500	1 100	15 400	14 751	77	11	11	550
март	15 500	14 230	130	600	40	500	1 100	17 050	15 653	143	660	44	550
1 чорак	45 000	42 560	260	620	60	1 500		49 500	46 816	286	682	66	1 650

апрель	15 000	13 720	120	600	60	500	1 100	16 500	15 092	132	660	66	550
май	15 500	9 720	130	5 000	150	500	1 100	17 050	10 692	143	5 500	165	550
июнь	15 000	8 210	130	6 000	160	500	1 100	16 500	9 031	143	6 600	176	550
2 чорак	45 500	31 650	380	11 600	370	1 500		50 050	34 815	418	12 760	407	1 650
июль	15 500	8 710	130	6 000	160	500	1 100	17 050	9 581	143	6 600	176	550
август	15 500	8 710	130	6 000	160	500	1 100	17 050	9 581	143	6 600	176	550
сентябрь	15 000	10 230	120	4 000	150	500	1 210	18 150	12 378	145	4 840	182	605
3 чорак	46 000	27 650	380	16 000	470	1 500		52 250	31 540	431	18 040	534	1 705
октябрь	14 350	13 700	130	10	10	500	1 210	17 363	16 577	157	12	12	605
ноябрь	15 000	14 350	130	10	10	500	1 210	18 150	17 364	157	12	12	605
декабрь	15 500	14 850	130	10	10	500	1 210	18 755	17 969	157	12	12	605
4 чорак	44 850	42 900	390	30	30	1 500		54 268	51 910	471	36	36	1 815
ЖАМИ ЙИЛ	181 350	144 760	1 410	28 250	930	6 000		206 068	165 081	1 606	31 518	1 043	6 820

ОКОВА

январь	15 560	14 927	61	11	11	550	920	14 315	13 733	56	10	10	506
февраль	14 050	13 407	71	11	11	550	920	12 925	12 334	65	10	10	506
март	15 560	14 183	135	650	42	550	920	14 315	13 048	124	598	39	506
1 чорак	45 170	42 517	267	672	64	1 650		41 555	39 115	245	618	59	1 518
апрель	15 060	13 670	125	650	65	550	920	13 855	12 576	115	598	60	506
май	15 560	9 215	135	5 500	160	550	920	14 315	8 478	124	5 060	147	506
июнь	15 060	7 710	135	6 500	165	550	920	13 855	7 093	124	5 980	152	506
2 чорак	45 680	30 595	395	12 650	390	1 650		42 025	28 147	363	11 638	359	1 518
июль	15 560	8 605	135	6 100	170	550	920	14 315	7 917	124	5 612	156	506
август	15 560	8 610	135	6 100	165	550	920	14 315	7 921	124	5 612	152	506
сентябрь	15 060	10 190	125	4 040	155	550	1 012	15 241	10 312	127	4 088	157	557
3 чорак	46 180	27 405	395	16 240	490	1 650		43 871	26 150	375	15 312	465	1 569
октябрь	15 560	14 853	135	11	11	550	1 012	15 747	15 031	137	11	11	557
ноябрь	15 060	14 353	135	11	11	550	1 012	15 241	14 525	137	11	11	557
декабрь	15 560	14 853	135	11	11	550	1 012	15 747	15 031	137	11	11	557
4 чорак	46 180	44 059	405	33	33	1 650		46 735	44 587	411	33	33	1 671
ЖАМИ ЙИЛ	183 210	144 576	1 462	29 595	977	6 600		174 186	137 999	1 394	27 601	916	6 276

5.3.2024 йилда иссиқлик энергиясига бўлган талаб режаси

Номланиши	Жами микдори Гкал	тариф, КҚС сиз	Сумма (минг сўм)	шу жумладан	
				ишлаб чиқаришга	маъмуриятга
январь	360,00	141 737,00	51 025,00	46943,00	4082,00
февраль	320,00	141 737,00	45 356,00	41728,00	3628,00
март	215,00	141 737,00	38 978,00	35860,00	3118,00
1 чорак	895,00		135 359,00	124 531,00	10 828,00
апрель	-	-	-	-	-
май	-	-	-	-	-
июнь	-	-	-	-	-
2 чорак	-		-	-	-
июль	-	-	-	-	-
август	-	-	-	-	-
сентябрь	-	-	-	-	-
3 чорак	-		-	-	-
октябрь	100,00	155 911,00	15 591,00	14344,00	1247,00
ноябрь	275,00	155 911,00	42 876,00	39446,00	3430,00
декабрь	360,00	155 911,00	56 128,00	51638,00	4490,00
4 чорак	735,00		114 595,00	105 428,00	9 167,00
ЖАМИ ЙИЛ	1 630,00		249 954,00	229 959,00	19 995,00

VI. Ишлаб чиқариш (*хизмат кўрсатилии*) ва Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар

6.1. Ўзэкспомарказ” МКК” АЖнинг 2024 йилда моддий-техника ресурсларга таркибий бўлимлар томонидан бўлган эҳтиёж режаси

МИНГ СҮМ

№ т/р	Таркибий бўлинма номи	2024 йил	шу жумладан, чораклар бўйича			
			1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
1.	Асосий ишлаб чиқариш:	6 237 096	990 984	4 238 661	552 170	455 281
1.1.	Кўргазма мажмуаси	2 909 296	362 984	1 798 861	292 170	455 281
1.2.	Япон боғи	298 000	218 000	80 000	-	-
1.3.	Аква боғи	2 209 900	-	1 949 900	260 000	-
1.4.	Болалар боғи	819 900	410 000	409 900	-	-
2.	Билвосита (косвенные) харажатлар, шу жумладан:	2 148 213	529 386	626 537	535 847	456 443
2.1.	Бош энергетик бўлими	1 181 962	270 048	339 233	265 198	307 483
2.2.	Бош механик бўлими	144 585	30 153	54 167	6 098	54 167
2.3.	Транспорт бўлими (эҳтиёт қисм, ёқилғи ва хизматлар)	257 170	64 292	64 293	64 292	64 293
2.4.	Таъмирлаш-қурилиш харажатлари	160 461	88 978	3 284	65 699	2 500
2.5.	Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш харажатлари	173 975	35 015	29 685	88 900	20 375
2.6.	Мехнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги хизмати харажатлари	230 060	40 900	135 875	45 660	7 625

6.2.“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖНИНГ 2024 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КЎРГАЗМАЛАР РЕЖАСИ

www.uzexpocentre.uz; info@uzexpocentre.uz
(дастлабки режа)

23.10.2023 йил ҳолатига

Т/п	Кўргазма тадбирларининг номи	Ташкилотчилар	Санаси	Жойи
1.	“UzBuild 2024” 25-Халқаро Курилиш кўргазмаси “Курилиш техникаси ва технологиялари ихтисослаштирилган бўлими - BuildTech 2024”	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz	27.02-01.03	1,2,3,4-сон павильонлар, 1,2-сон атриум заллар, Конф.зал
2.	“Кишлоқ хўжалиги - AgroWorld Uzbekistan 2024” 19-Халқаро кўргазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz	12-14.03	1,2,3,4-сон павильонлар, Конф.зал
3.	“Озиқ-овқат, ингредиентлар ва ишлаб чиқариш технологиялари - UzFood 2024” 23-Халқаро кўргазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz	26-28.03	1,3-сон павильонлар, 1 атриум зали
4.	“Кадоқлаш, ускуналар ва материаллар - O’ZuPACK 2024” 24-Халқаро кўргазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz		2 сон павильон, Конф.зал
5.	“UzMiningExpo - 2024” 14-Халқаро кўргазмаси (тог-кон саноати учун технологиялар ва ускуналар)			
6.	“UzMetalMashExpo-2024” 15-Халқаро кўргазмаси (Металлургия ва металлга ишлов бериш. Машинасозлик. Пайвандлаш)			1-сон павильон
7.	“UzTechTransExpo-2024” 15-Халқаро кўргазмаси (Махсус техника. Транспорт. Автосаноат)	INTERNATIONAL EXPO GROUP +99871 238-59-59 info@ieguzexpo.com www.ieg.uz	03-05.04	
8.	“UzSecureExpo-2024” 13-Халқаро кўргазмаси (Хавфсизлик технологиялари. Ёнғиндан химоя қилиш. ИТ хавфсизлиги. Мехнатни муҳофаза қилиш)			2-сон павильон
9.	“UzChemPlastExpo-2024” 13-Халқаро кўргазмаси (Кимё. Пластмасса. Лаборатория ва аналитик)			
10.	«UzCharmExpo-2024» Тери, пойабзal ва мойна 16-Халқаро кургazmasi	«УЗЧАРМСАНОАТ» уюшмаси +99871 207-95-55 info@uzcharm.uz	10-12.04	1,2-сон павильонлар, 1-сон атриум зали, Конф.зал
11.	“Соғлиқни саклаш - TIHE 2024” 28-Халқаро кўргазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18		
12.	“Стоматология – Stomatology Uzbekistan 2024” 19-Халқаро кўргазмаси	post@iteca.uz www.iteca.uz	16-18.04	1,2,3,4-сон павильонлар, 1-сон атриум залли
13.	“Фармацевтика саноати – TechPharm 2024” 18-Халқаро кўргазмаси			
14.	«ИННОПРОМ. Марказий Осиё» Халқаро саноат кургazmasi	МЧЖ "Бизнес Ивент" info@innoprom.com +7 (495) 981-5000	22-24.04 еки 24-26.04	1,2,3,4-сон павильонлар, Конф.зал, 1,2-сон атриум заллари
15.	“Ўзбекистон нефть ва гази - Oil&Gas Uzbekistan 2024” 26 Халқаро кўргазма ва конференцияси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz	14-16.05	1,2-сон павильонлар, 1-сон атриум залли, Конф.зал

T/р	Кўргазма тадбирларининг номи	Ташкилотчилар	Санаси	Жойи
16.	“Энергия, энергия тежаш, муқобил энергия манбалари – Power Uzbekistan 2024 ” 17-Халқаро кўргазмаси “Яшил энергия тежовчи технологиялар - GETCA 2024 ” ихтисослаштирилган бўлими			3,4-сон павильонлар, 2-сон атриум зали
17.	“Тўқимачилик ва мода саноати - UzTextileExpo Spring 2024 ” 8-Халқаро кўргазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz	28-30.05	1,2-сон павильонлар, 1-сон атриум зали, Конф.зал
18.	“ MebelExpo Uzbekistan 2024 ” - Ишлаб чиқариш технологиялари, ёғочга ишлов бериш, мебель ва бутловчи қисмлари 20-юбилей Халқаро кўргазмаси			3,4-сон павильонлар
19.	“ BeautyExpo 2024 ” 18-Халқаро ихтисослаштирилган гўзллик саноати кўргазмаси Узбекистон Республикасида	EXPO POSITION +99878 120-43-47 uzbekistan@expoposition.com www.expoposition	04-06.06	3,4-сон павильонлар
20.	“ KinderExpo 2024 ” 8-Халқаро оналик ва болалик ихтисослаштирилган кўргазмаси Узбекистон Республикасида			
21.	“Узбекистон – 2024” Хитой савдо ярмаркаси	ТОО «КазТехПром-Сервис» +727 390-06-60 303-66-86 +701 746-66-24 www.kaztechprom.kz	05-07.06	1-сон павильон
22.	Давлат ОТМларига кириш имтиҳонлари	Давлат тест маркази	01-20.08	1,2,3,4-сон павильонлар, 1,2-сон атриум заллар, Конф.зал
23.	«Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари - САЙМЕ 2024 » 15-Юбилей Урта Осие халқаро кургазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz	11-14.09	1,2,3,4-сон павильонлар, 1,2-сон атриум заллар, Конф.зал
24.	“ Food Industry & Packaging Uzbekistan 2024 ” Халқаро кўргазмаси	АО НВК «УЗЭКСПОЦЕНТР» +99871238-56-00 info@uzexpocentre.uz хамкорлика IFWexpo Heidelberg +49 (0) 62 21-13 57-0 info@ifw-expo.com		1,2-сон павильонлар, 1-сон атриум зал, Конф.зал
25.	“ UzMedExpo-2024 ” 16-Халқаро кўргазмаси (Тиббий техника. Фармацевтика. Стоматология. Хизматлар)	INTERNATIONAL EXPO GROUP +99871 238-59-59 info@ieguzexpo.com www.ieg.uz	18-20.09	1-сон павильон
26.	“Иситиш, вентиляция, хаво совутиш/иситиш, сув таъминоти, сантехника ускуналари, атроф мухитни мухофаза килиш технологиялари, сузиш ҳавзалари ва қайта тикланадиган энергия - Aquatherm Tashkent 2024 ” 12-Халқаро кўргазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz	02-04.10	1,2-сон павильонлар, 1-сон атриум зал, Конф.зал
27.	“Пластмасса саноати - Plastex Uzbekistan 2024 ” 14-Халқаро кўргазмаси			3,4-сон павильонлар, 2-сон атриум зали
28.	« UzCharmExpo-2024 » Тери, пойабзal ва мойна 17-Халқаро кургazmasi	«УЗЧАРМСАНОАТ» уюшмаси +99871 207-95-55 info@uzcharm.uz	15-17.10	1,2-сон павильонлар, 1-сон атриум зали, Конф.зал

T/р	Кўргазма тадбирларининг номи	Ташкилотчилар	Санаси	Жойи
29.	“Тўқимачилик ва мода саноати - UzTextileExpo Autumn 2024 ” 9-Халқаро кўргазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz	15-17.10	1,2,3,4-сон павильонлар, 1-сон атриум зали
30.	“Ускуналар ва хавфиззлик, ёнғинга қарши тизимлар хавфиззлиги. Кутқарув ускуналари ва шахсий ҳимоя технологиялари - Securex Uzbekistan 2024 ” 15-Юбилей Марказий Осиё Халқаро кўргазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz	22-24.10	1,2,3-сон павильонлар, 1-сон атриум зали
31.	“UzStroyExpo-2024” 13-Халқаро кўргазмаси (Курилиш ва пардозлаш материаллари. Курилиш машиналари ва ускуналари. Иситиш, вентиляция, сув таъминоти, инвертер)	INTERNATIONAL EXPO GROUP +99871 238-59-88 info@ieguzexpo.com www.ieg.uz	29-31.10	1-сон павильон
32.	“UzEnergyExpo-2024” 18-Халқаро кўргазмаси (Энергия. Энергияни тежаш. Электротехника. Ёритиш технологиялари. Кабель)	INTERNATIONAL EXPO GROUP +99871 238-59-88 info@ieguzexpo.com www.ieg.uz		2-сон павильон
33.	“Кончилик, металлургия, металлга ишлов бериш, машинасозлик - Miningmetals Uzbekistan 2024 ” 18-Халқаро кўргазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz	05-07.11	1,2-сон павильонлар, 1-сон атриум
34.	“Транспорт ва логистика - Trans Logistica 2024 ” 20-Халқаро кўргазмаси	ITECA EXHIBITIONS +99871 205-18-18 post@iteca.uz www.iteca.uz		3,4-сон павильонлар, 2-сон атриум зали
35.	“Туризм на Шелковом пути” Тошкент Халқаро сайдёнлик ярмаркаси	Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданият вазирлиги +99855 502-33-77 www.madaniyat.uz	14-16.11	1,2-сон павильонлар, 1-сон атриум зал, Конф.зал
36.	«Craft fair Uzbekistan» хунармандчиллик махсулотлари ва технологиялари Халқаро кургазмаси	“Хунарманд” уюшмаси +99871 279-80-88 +99890 408-40-69 info@handicraftman.uz	14-16.11	3-сон павильон
37.	“UzAgroExpo-2024” 19-Халқаро кўргазмаси (қишлоқ хўжалиги)	INTERNATIONAL EXPO GROUP +99871 238-59-59 info@ieguzexpo.com www.ieg.uz		1-сон павильон
38.	“UzProdExpo-2024” 19-Халқаро кўргазмаси (Озиқ-овқат саноати. Озиқ-овқат)	INTERNATIONAL EXPO GROUP +99871 238-59-59 info@ieguzexpo.com www.ieg.uz	21-23.11	2-сон павильон
39.	“InterPackExpo-2024” 7-Халқаро кўргазмаси (Идишлар, қадоқлаш технологиялари ва ускуналари. Омбор. Ёрликаш.)	INTERNATIONAL EXPO GROUP +99871 238-59-59 info@ieguzexpo.com www.ieg.uz		2-сон павильон
40.	“Uzbekistan Agrotech Expo-2024” агросаноат мажмуаси учун замонавий техника ва технологияларнинг 18 – Халқаро ихтисослаш-тирилган кўргазма – савдоси	АО НВК «УЗЭКСПОЦЕНТР» +99871238-56-00 info@uzexpocentre.uz хамкорликда IFWexpo Heidelberg +49 (0) 62 21-13 57-0 info@ifw-expo.com		
41.	“Uzbekistan Agromash Expo-2024” 12-Халқаро ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналари кўргазмаси	АО НВК «УЗЭКСПОЦЕНТР» +99871238-56-00 info@uzexpocentre.uz хамкорликда IFWexpo Heidelberg +49 (0) 62 21-13 57-0 info@ifw-expo.com	27-29.11	1,2-сон павильонлар, 1-сон атриум зал, Конф.зал
42.	“Uzbekistan AgroExpo-2024” қишлоқ хўжалиги техникаси, боғдорчилик, иссиқхоналар, ўсимлиқчилик ва чорвачилик Халқаро кўргазмаси	АО НВК «УЗЭКСПОЦЕНТР» +99871238-56-00 info@uzexpocentre.uz хамкорликда IFWexpo Heidelberg +49 (0) 62 21-13 57-0 info@ifw-expo.com		

Изоҳ: кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

6.3.Молиявий-иқтисодий күрсаткичлар режаси (бюджети)

Т/р	Күрсаткичлар номи	ўлчов бирлиги	факт	режа	режа	факт	режа				
			2022 йил	2023 йил	2023 йил 9 ойлик	2024 йил	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак	
I.	Махсулот тури бўйича, жумладан, кўргазма мажмуаси бўйича ишлаб чиқариш ҳажми	кв.м	76 177	71 250	48 550	54 257	82 186	15 882	26 140	16 700	23 464
II.	Хизмат кўрсатиш бўйича сотиш ҳажми	минг.сўм	46 307 854	41 063 080	28 823 783	58 850 995	55 028 047	10 591 568	18 124 775	10 234 659	16 077 045
2.1.	Кўргазма комплекси	минг.сўм	43 520 352	38 169 996	26 010 074	54 615 119	50 718 955	10 454 568	16 412 246	7 956 096	15 896 045
		кв.м	76 177	71 250	48 550	54 257	82 186	15 882	26 140	16 700	23 464
2.2.	Соғломлаштириш-кўнгилочар комплекси	минг.сўм	2 787 502	2 893 084	2 813 709	4 235 876	4 309 092	137 000	1 712 529	2 278 563	181 000
III.	Хизмат бўйича таннарх	минг.сўм	21 076 413	19 380 686	14 803 424	40 359 421	26 987 619	5 385 938	9 401 560	6 091 052	6 109 069
a)	амортизация	минг.сўм	2 612 276	2 880 000	2 160 000	2 889 865	3 072 000	768 000	768 000	768 000	768 000
	амортизациянинг таннархдаги улуши	%	12,39	14,86	14,59	7,16	11,38	14,26	8,17	12,61	12,57
б)	иши ҳақи фонди	минг.сўм	10 188 590	8 645 632	6 637 378	10 205 526	10 717 131	2 053 704	2 704 869	2 827 845	3 130 713
	иши ҳақи фондининг таннархдаги улуши	%	48,34	44,61	44,84	25,29	39,71	38,13	28,77	46,43	51,25
в)	ижтимоий сугурта	минг.сўм	1 175 601	1 037 477	796 487	1 205 370	1 286 062	246 446	324 586	339 343	375 687
	ижтимоий сугуртанинг таннархдаги улуши	%	5,58	5,35	5,38	2,99	4,77	4,58	3,45	5,57	6,15
г)	хом-ашё ва материаллар, шундан	минг.сўм	1 877 009	2 708 265	2 051 589	5 549 491	6 237 096	990 984	4 238 661	552 170	455 281
	хом-ашё ва материалларнинг таннархдаги улуши	%	8,91	13,97	13,86	13,75	23,11	18,40	45,08	9,07	7,45
з)	энергия ресурслари	минг.сўм	844 968	1 833 503	1 351 341	898 562	3 527 117	797 418	738 907	1 067 847	922 945
	энергия ресурсларининг таннархдаги улуши	%	4,01	9,46	9,13	2,23	13,07	14,81	7,86	17,53	15,11
ð)	бошқа умумхўжалик харажатлари	минг.сўм	4 377 969	2 275 809	1 806 629	19 610 607	2 148 213	529 386	626 537	535 847	456 443
	таннархдаги улуши	%	20,77	11,74	12,20	48,59	7,96	9,83	6,66	8,80	7,47
IV.	Жами даромад, шундан	минг.сўм	50 161 129	45 413 080	31 723 783	64 541 224	59 628 047	11 341 568	19 574 775	11 084 659	17 627 045
	соғ тушум	минг.сўм	46 307 854	41 063 080	28 823 783	58 850 995	55 028 047	10 591 568	18 124 775	10 234 659	16 077 045
	молиявий даромадлар	минг.сўм	764 746	850 000	600 000	1 895 962	1 000 000	250 000	250 000	250 000	250 000

Т/Р	Кўрсаткичлар номи	ўлчов бирлиги	факт	режа	режа	факт	режа				
			2022 йил	2023 йил	2023 йил 9 ойлик	2024 йил	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак	
	бошқа даромадлар	минг.сўм	3 088 529	3 500 000	2 300 000	3 794 267	3 600 000	500 000	1 200 000	600 000	1 300 000
V.	Жами харажат, шундан										
	таниарх	минг.сўм	21 076 413	19 380 686	14 803 424	40 359 421	26 987 619	5 385 938	9 401 560	6 091 052	6 109 069
	давр харажатлари, жумладан:	минг.сўм	19 694 551	15 822 112	11 121 018	15 948 426	21 173 048	4 550 949	5 665 502	4 214 784	6 741 813
	сотии харажатлари, шундан	минг.сўм	72 464	273 000	182 000	72 296	98 800	0	39 300	59 500	0
	сотии харажатларининг д/ҳдаги улуши	%	0,37	1,73	1,64	0,45	0,47	0,00	0,69	1,41	0,00
	маъмурий харажатлар, шундан:	минг.сўм	6 560 250	7 810 044	5 858 264	7 769 366	9 790 108	2 365 614	2 553 187	2 182 868	2 688 439
	маъмурий харажатларининг д/ҳдаги улуши	%	33,31	49,36	52,68	48,72	46,24	51,98	45,07	51,79	39,88
	бошқа операцион харажатлар, шундан	минг.сўм	13 061 837	7 739 068	5 080 754	8 106 764	11 284 140	2 185 335	3 073 015	1 972 416	4 053 374
	бошқа операцион харажатларининг д/ҳдаги улуши	%	66,32	48,91	45,69	50,83	53,29	48,02	54,24	46,80	60,12
	молиявий харажатлар, жумладан:	минг.сўм	874 770	700 000	500 000	1 278 490	800 000	200 000	200 000	200 000	200 000
VI.	Таниархнинг соғ тушумдаги улуши	%	45,51	47,20	51,36	68,58	49,04	50,85	51,87	59,51	38,00
VII.	Солик тўлангунча фойда / зарар	минг.сўм	8 515 395	9 510 281	5 299 341	6 954 887	10 667 380	1 204 681	4 307 713	578 823	4 576 163
VIII.	Соф фойда / зарар	минг.сўм	7 433 396	8 083 738	4 504 440	6 017 587	9 067 274	1 023 979	3 661 556	492 000	3 889 739
IX.	Жами бюджетга тўловлар, шундан	минг.сўм	14 433 128	14 703 960	10 236 695	14 485 189	16 590 194	3 423 377	4 904 364	3 182 634	5 079 819
	фойда солиги	минг.сўм	1 081 999	1 426 543	794 902	937 300	1 600 106	180 702	646 157	86 823	686 424
	жисмоний шахслардан даромад солиги	минг.сўм	2 123 569	2 147 500	1 548 796	2 224 905	2 748 347	560 909	693 083	637 386	856 969
	ҚҚС	минг.сўм	6 041 760	5 725 500	3 901 511	6 785 128	6 122 536	1 254 549	2 005 732	954 730	1 907 525
	Ижтимоий солик	минг.сўм	2 300 233	2 146 417	1 547 986	2 220 932	2 645 205	558 717	690 892	635 195	760 401
	Ер солиги	минг.сўм	2 049 458	2 244 000	1 683 000	1 690 803	2 460 000	615 000	615 000	615 000	615 000
	Мол-мулк солиги	минг.сўм	801 490	960 000	720 000	596 338	960 000	240 000	240 000	240 000	240 000
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	минг.сўм	34 619	54 000	40 500	29 783	54 000	13 500	13 500	13 500	13 500

**6.4.“Ўзэкспомарказ” МҚК” АЖНИНГ 2024 ЙИЛДАГИ ДАРОМАДЛАР ШАКЛЛАНИШИНинг асосий манбайи
(түшумлар прогнози – кўргазма ва СКМдан)**

**ITECA Exhibitions компанияси томонидан ташкил этиладиган кўргазмалар кесимида,
2024 йилга мўлжалланган түшумларнинг миллий валютадаги режаси**

T/p	Кўргазма тадбирларининг номи	Ташкилотчи	сана	Кўргазма майдони ижараси		Стендлар курилиши		Очиқ кўргазма майдони		Кўшимча хизматлар (минг.сўм)	Жами сумма ККС билан (минг.сўм)	Жами сумма ККСиз (минг.сўм)
